




Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 53 (12.614)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Пойтахтимиздаги
Миллий матбуот
марказида
Ўзбекистон энгил
саноатини
ривожлантириш
масалаларига
бағишланган
матбуот анжумани
бўлиб ўтди.**



ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган тadbирда компания вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари катнашди.

Бугунги кунда Ўзбекистон энгил ва тўқимачилик саноати ишлаб чиқариш корхоналари юқори даражада жиҳозланган кўп тармоқли йirik саноат комплексидан иборат. Ушбу комплекда пахта толаси, ип газлама, пайпоқ, трикотаж, тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда ва бу маҳсулотлар нафақат ички, балки хориж бозорларига ҳам етказиб берилаётир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори соҳани жадал тараққи эттиришда дастуруламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжат билан тасдиқланган дастур доирасида ўнлаб янги инвестиция лойиҳаларини ҳаёт-

га татбиқ этиш, жумладан, тугалланган ишлаб чиқариш жараёнига эга вертикал интеграциялашган тўқимачилик мажмуаларини ташкил этиш кўзда тутилган.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси маълумотларига кўра, бугун компания таркибидан уч юзга яқин корхона фаолият кўрсатмоқда. Мазкур корхоналар 2013 йил давомида умумий қиймати 2143,9 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарди. Экспорт қилинган маҳсулотлар қиймати 827,3 миллион долларни ташкил этди.

Тadbирда энгил саноат маҳсулотларини экспорт қилиш кўламини йил сайин кенгайтириб бораётгани, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси корхоналарининг халқаро кўргазма-ярмаркаларидан иштирок этаётгани самарасида янги ташқи савдо бозорлари пайдо бўлаётгани таъкидланди. Айни пайтда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган энгил саноат маҳсулот-

лари Швейцария, Австрия, Венгрия, Финляндия, Канада, шунингдек, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларига етказиб берилаётир. Бундан ташқари, ушбу маҳсулотлар соҳа корхоналарининг турли давлатларда жойлашган элликта дилерлик тузилмалари орқали экспорт қилинмоқда.

2013 йилда экспорт қилинган тайёр маҳсулотлар экспортбел маҳсулотлар умумий ҳажмининг 35 фоизини ташкил этди. Бу эса 2012 йилга нисбатан 25 фоизга кўпдир. Бундан ташқари, ярим тайёр маҳсулотлар (калава ва трикотаж полотно)нинг бир қисми ички бозорда сотилди. Шу тариқа, тайёр маҳсулотлар ҳажмини 2 баробар, пайпоқ маҳсулотлари ҳажмини 1,2 баробар ошириш имконияти яратилди.

Тadbирда журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

М.МАМЕТОВА,
ЎЗА мухбири

БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Тошкент Ирригация ва мелиорация институтида 22 март – Халқаро обиҳаёт кунига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилган тadbирда тегишли давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, депутатлар, олимлар, профессор-ўқитувчилар, мутахассислар, ёш тadbқиотчилар, талабалар ва журналистлар иштирок этди.

Бугунги кунда сайёрамизда икки миллиардга яқин аҳоли тоза ичимлик суви етишмаслигидан азият чекмоқда. Дунёда аҳоли сонининг кўпайиши, фан ва техника ривожланиши натижасида обиҳаётга бўлган эҳтиёж йилдан йилга ошиб бораётир. Бу сувнинг ифлосланиши ва камайиб кетишининг олдини олиш, табиат ресурсларини келажак авлодларга асл ҳолича етказиш борасида ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш, табиат билан уйғун ривожланишга эришишни тақозо этаётир. Ушбу вазифаларга бутун жаҳон аҳли эътиборини яна бир қарра жалб этиш мақсадида сайёрамизда ҳар йили 22 март – Халқаро обиҳаёт кунини сифатида кенг нишонланади.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, Экоҳаракат депутатлар гуруҳи аъзоси Ҳ.Отакулов, Тошкент Ирригация ва мелиорация институтини проректори Т.Султонов, БМТ Тараққиёт дастурининг мамлакатимиздаги доимий вакили ўринбосари Я.Силлерс ва бошқалар шулар ҳақида сўз юритди.

Анжуманда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида табиий ресурсларни, жумладан, сув захираларини тежаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда сувдан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган ва бу тизим замон талабларидан келиб чиқиб мунтазам такомиллаштирилмоқда.

танпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгаши тасарруфидаги Тошкет бирлашган техника мактабида Куролли Кучларга мутахассислар тайёрлаш бўйича янги ўқув

босқичига қабул қилиш маросими ўтказилди.

✓ **БУГУН** Юнусобод туманидаги машинасозлик касб-хунара коллежида «Ассалом Наврўзим, ёшлик баҳорим» шиори остида

КРИСТА ПИККАТ: НАВРЎЗ БАЙРАМИНИНГ ЖОЗИБАСИ ВА НАФОСАТИГА МАФТУНМАН

**Наврўз байрами
арафасида ЎЗА
мухбири ЮНЕСКОнинг
Ўзбекистондаги
ваколатхонаси
раҳбари Кристи
Пиккат хоним билан
суҳбатлашди.**



– Пиккат хоним, Наврўз байрами, унинг дунё цивилизациясидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида қандай фикрдасиз? Наврўз инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритилиши ва 21 март Халқаро Наврўз кунини деб эълон қилинишида қайси омилларга асосий эътибор қаратилган?

– Наврўз Марказий, Ғарбий ва Жанубий Осиё мамлакатлари, Болқон ҳамда бошқа минтақалардаги миллионлаб одамлар томонидан кенг нишонланади. 2009 йилда бу байрам инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритилди. Мазкур рўйхат турли халқларнинг асрлар давомида сақланиб, авлоддан авлодга ўтиб келаётган урф-одат ва анъаналари, миллий қадриятларини ўз ичига олган. Бу номоддий маданий мерос ва унинг дунё маданиятидаги ўрнини теран англашга, маданий хилма-хилликни ҳурмат қилиш асосида турли халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Чўқур маданий илдизларга эга Наврўз баҳор, янгилик, хурсандчилик ва ёшлик айёми ҳисобланади. Бу байрам оила, дўстлар ва жамоатчилик даврасида кенг нишонланади.

– Сиз юртимиздаги Наврўз тантаналари ва сайилларида иштирок этганмисиз? Бу ҳақдаги таассуротларингиз қандай?

– Ўзбекистонда фаолият олиб бораётганимга бир йилдан ошди. Ўтган йили Наврўз тантаналарида иштирок этиш бахтига мушарраф бўлдим. Алишер Навоий номидаги Миллий богда ўтказилган Наврўз айёмининг жозибаси ва нафосатиға мафтун бўлиб қолдим.

Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан келган хонанда раққосларнинг чиқишлари мамлакатингиздаги маданий хилма-хилликдан далolat беради. Майдонга йиғилганларнинг барчаси жўр бўлиб қўйлагани ва рақсга тушгани мени ғоят тўлқинлатирди. Бу каби асрий анъаналар халқ, айниқса, ёшлар томонидан қўндалик ҳаётнинг ажралмас қисми сифатида қабул қилиниши ниҳоятда муҳим.

Бу йилги Наврўз байрамини Фарғона водийсида кутиб олиш ниятидаман. Мазкур айём қишлоқларда, аҳоли орасида қандай нишонланишини кўриш иштиёқидаман.

– Ўзбекистонда миллий маданий меросни асраб-авайлаш, санъат ва маданиятни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, бу соҳада ЮНЕСКО билан ҳамкорлик ҳақида сўзлаб берсангиз.

– Мамлакатингиз маданиятининг бой ва хилма-хиллиги боис бу йўналишдаги ишлар Ўзбекистондаги ваколатхонамиз фаолиятининг энг муҳим ва қизиқарли қисmini ташкил этади, десам муболага бўлмайди.

ЮНЕСКО фаолияти маданият соҳасидаги қатор ҳужжатларга, хусусан, Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Жаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенцияга (1972 йил), Номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш бўйича Конвенцияга (2003 йил) асосланади. Бу ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шахрисабз шаҳарларини асраб-авайлаш, Инсоният номоддий маданий меросининг Репрезентатив рўйхатидан жой олган Наврўз, Бойсун маданий мероси, Шашмақом, Катта ашула каби маданий мероснинг номоддий элементларини кенг тарғиб этиш, шунингдек, барқарор тараққиётга эришишда маданиятнинг ролини мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятимизга асос бўлади.

– Президент Ислам Каримов ташаббуси билан 2014 йил Ўзбекистонда Соғлом бола йили, деб эълон қилинди. Мамлакатимизда бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақидаги фикрингизни баён қилсангиз.

– Ўзбекистон Президентининг бир йилга алоҳида ном бериш ташаббуси ибрат олишга арзигulikдир. Жорий йилда болалар соғлигини мустаҳкамлашга қаратилаётган алоҳида эътибор тегишли муассасаларнинг бу йўналишдаги фаолиятини янада фаоллаштиришига ишончим комил. Бу барқамол ва соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган Наврўз айёми билан чин дилдан муборакбод этаман!

Нодира МАНЗУРОВА
суҳбатлашди



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлими ҳамкорлигида «Фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида ижтимоий шериклик: қонунчилик ва уни такомиллаштириш масалалари» мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус – 2014» кўрик-танловининг Наманган вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда ўттиз беш нафар тadbбиркор, фермер ва хунарманд ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

• Наманган шаҳрида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган аскарлар билан учрашув бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ижодкорлар, маънавият тарғиботчилари, ота-оналар, ёшлар иштирок этди.

• Андижон давлат табиий институтида «Тиббиётнинг долзарб муаммолари» мавзусида инглиз тилида илмий-амалий видеоконференция бўлиб ўтди. Мазкур тadbбир табиий йўналишдаги олий ўқув юртлари ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ёш олимлар ва иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, айниқса, инглиз тилига қизиқишларини янада оширишга хизмат қилди.

• Самарқандда вилоят аҳолисиға кафолатли сабзавот экинлари уруғи, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ҳамда қишлоқ ҳўжалик асбоб-ускуналарини арзон нархларда етказиб бериш мақсадида кўчама автодўконлар фаолияти йўлга қўйилди.

• Самарқандда вилоят аҳолисиға кафолатли сабзавот экинлари уруғи, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ҳамда қишлоқ ҳўжалик асбоб-ускуналарини арзон нархларда етказиб бериш мақсадида кўчама автодўконлар фаолияти йўлга қўйилди.

ЖАҲОНДА

• АҚШнинг Вестфорд шаҳридаги «Haustack» обсерваторияси мутахассиси Жон Фостер етакчилигидаги олимлар гуруҳи она сайёрамизни унинг юзасида шаклланадиган табиий механизм магнит зарраларига тўйинган Куёш шамолидан асрашни кузатув-тadbқиот натижасида аниқлади. Олимларнинг тушунтиришича, сайёрамиздан доимий «буғланиб», юқориға кўтарилибчи плазма Куёшдаги портлаш оқибатида юзга келадиган ва Куёш шамоли ёрдамида Ер томон йўналган шаддатли зарралар оқимининг кучини «кесади».

• Австралияди Маунт-Стромло обсерваторияси базасида космик чиқиндиларни йўқ қилишга ихтисослашган янги илмий марказ ташкил қилинди. Мазкур муассасаға Космик кенгликларда экологик муаммоларни бартараф этиш бўйича ҳамкорлик илмий маркази, дея ном берилди.

• Американинги Жонс Жопкинс университетини олимлари 2013 йилнинг апрель ойида орттирилган иммун вируси (ОИВ) билан туғилган қизалоқ ўтказилган муолажалардан сўнг бутунлай соғайиб кетганини маълум қилишди. Аммо у муайян муддат шифокорлар назоратида бўлади ва даволанишда давом этади. Гўдакка касаллик унинг онасидан юққан. Афсуски, ОИВга чалинган аёл ҳомиладор вақтида ҳам даволаниш ҳақида ўйламаган экан.

• Олимлар талқин қилишларича, 5 соатдан кам ухлаш миянинг мувофиқлаштирувчи вазифани бажарувчи қисмида бузилишларни юзга келишини пайдо қилади. Айниқса, бу ҳолат ёшларда кўпроқ акс таъсир беради. Шу боисдан ҳам уйқусиз кечадан кейин автомобиль бошқариш қатъий тақиқланади.

ҚИСКА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳўкимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ва-

«Балли, ёшлар» беллашуви бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Амалий санъат музейида «Амалий санъат асарларида Наврўз жилolari» номли кўргазма очилади.

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида «Ўзбекистон иқтисодиёти реал сектори корхоналарининг инновацион ривожланишини молиялаштиришда хорижий инвестициялар ролини фаоллаштириш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда тегишли вазирлик ва идоралар, молия-кредит муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар мутахассислари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

Банк-молия академияси ректори вази-фасини бажарувчи А.Бекмуродов, Ўзбекистон лизинг берувчилар уюш-маси директори З.Мустафоев, Ташки иқтисодий фаолият миллий банки ҳузу-ридаги Кичик бизнес ва хусусий тад-биркорлик субъектларининг экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси директори вази-фасини бажарувчи Ж.Мустафоев ва бошқалар Президентимиз раҳнамоли-гида ижтимоий-иқтисодий ривожланти-риш дастурининг изчил амалга оширилиши натижаси-да мамлакатимизда барқарор ўсиш суръатларига эри-шилаётганини таъкидлади. Хорижий ва маҳаллий сар-моядорлар учун қўлай инвестиция муҳити яратилгани бу борада муҳим аҳамият касб этаётди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини оши-риш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига

эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»-ги Қаро-ри бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни янада

Қарор ва ижро

ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолияти-ни жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилишда хорижий инвестициялар, жумладан, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёс. Бунда илгор тех-нологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш имконияти туғилади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йилда мам-лакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш

яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий даст-турнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлан-ган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида жаҳон иқтисодиётида содир бўлаётган жараёнларни инобатга олган ҳолда, иқтисодиётимизнинг рақобат-бардошлигини ошириш устувор вазифа сифатида қайд этилди. Жорий йилда 3 миллиард 900 миллион дол-лардан зиёд хорижий инвестиция ва кредитлар ўзла-тирилиши белгиланган.

2014 йилга мўлжалланган давлат, тармоқ ва минта-кавий инвестиция дастурларининг кенг миқёси ва ин-новацион характерга эгалиги эътибор-га олинган ҳолда Банк-молия акаде-миясида баҳс-мунозаралар клуби таш-кил этилди. Мазкур клубнинг асосий мақсади мамлакатимиздаги ҳудудлар ва тармоқ иқтисодиётини инновацион ривожлантириш билан боғлиқ йирик инвестиция лойиҳаларини молиялаш-тиришда хорижий инвестициялар ман-баларини излашга қўмаклашишдан иборат.

Анжуманда Ўзбекистон иқтисодиёти реал секторига маҳаллий ва хорижий инвестициялар-ни жалб этиш, қимматли қўғозлар бозорини ривожлан-тириш, макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлашда қўлай инвестицион муҳитни шакллантириш омили-ри, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлашда банк кредитларининг аҳамияти каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА муҳбири

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида «Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация» кафедраси ташаббуси билан «Давр, ахборот, интернет: янгилишни тенденциялари ва истиқболлари» мавзусида Республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Олий ўқув юртларида

ДОЛЗАРБ МАВЗУДАГИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиси Қонунчилик палатаси, Мирзо Улуғбек номи-даги Ўзбекистон Миллий университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университети, Ўзе-бекистон Давлат жаҳон тиллари университети профессор-ўқитувчи ҳамда талабалари ва бошқа ташкилотлардан вакиллар ўз маърузалари билан иштирок этишди.

Маърузаларда глобаллашув даври учун ўта муҳим саналган интернетнинг турли имкониятлари хусусида сўз юритилди.

Интернет бугунги кунда ўзининг чексиз қудрати орқали турли соҳаларга кириб борди. Жумладан, журналистика соҳасида ҳам ўзининг алоҳида ўрни касб аҳамиятга эришди. Бугунги кунда у ўта муҳим вазифани ўтовчи оммавий ахборот воситасига ай-ланди.

Мутахассисларнинг янги асрга «Ахборот асри» деган нисбатни берганликлари бежиз эмас, – дей-ди ЎЗДЖТУ халқаро журналистика факультети кат-та ўқитувчиси Амрулло Каримов. – Улкан армия-лар, қудратли қуроллар бажариши мушкул бўлган ишни махсус йўналтирилган ахборотлар орқали амалга ошириш осонроқ ва қўлайроқ бўлиб қолди. Президентимиз таъбири билан айтганда, кураш-лар мафкуравий полигонларда шиддатли кечмоқ-да. «Ким ахборотга эгалик қилса, ўша дунёни бошқаради» деган фикр оддий ҳақиқатга айланди.

Шиддат билан ривожланаётган ахборот асри ҳар бир оммавий ахборот воситасининг турли медиа платформаларда ахборот тарқатишга мослашиб фаолият юритишини талаб этмоқда. Аънавий кўринишдаги босма нашрлар, ТВ ва радио канал-лар эндиликда, икки муҳит талабларини инобатга олган ҳолда ўзининг иш фаолиятида жиддий ўзга-ришларни сезмоқда. Интернетда ахборот тарқа-тишнинг ўзига хос хусусиятлари бу жараёнга тўғри-дан-тўғри таъсир кўрсатмоқда.

Анжуман қатнашчилари «Интернетнинг яратилиш тарихи ва шаклланиш босқичлари», «Ахборот глобаллашувида интернет имкониятларининг ўрни (муаммолар, мулоҳазалар, ҳулосалар)», «Интернет ва аънавий ОАБ», «Интернетда ахборот масъу-лият ва этикаси» каби мавзуларда маърузалар қилишди.

Тадбир доирасида белгиланган йўналишларга оид долзарб мавзуларда, илмий таҳлил ва тугал-ланган фикрлар асосида, тегишли тақлиф ва тав-сиялар билан тақдим этилган ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги анжуман материаллари жамланган тўплам тақдими то ҳам бўлиб ўтди. Тўпламга соҳа вакиллари, профессор-ўқитувчилар ва талабалар томонидан ёзилган юздан ортқ сара материал-лар киритилган бўлиб, унда мавзуга оид бир-би-ридан қизиқарли кичик илмий тадқиқотлар олиб борилганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, «Ин-тернетнинг медиа табиати: аънавий ОАБ фао-лиятини ўзгаришга олиб келадиган», «Синергетика ва журналистика», «Ўзбекистонда Интернет тар-моғи меъёрий-ҳуқуқий базасининг шаклланиши – унинг тақомиллашда асосий омили» каби мавзулар журналистика соҳасига қизиқувчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Анжуман сўнггида йиғилганларни қизиқтирган саволларига атрофича жавоб берилди.

Зиёда ОРТИКОВА



Замонавий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда
Отбек Мирсоатов (ЎЗА) олган сурат

Мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизнинг барча жабҳаларида кенг миқёсли ислохотлар изчил равишда босқичма-босқич амалга оширилиб келинмоқда. Бу эса ҳозирги кунда ҳар бир соҳада ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Жумладан, дастлаб суд ижрочили-ри судлар таркибиди бўлиб, уларнинг ишларини ташкил этиш суд раисла-рининг зиммасига юклатилганди. Бу эса ўз навбатида судьяларнинг ортиқ-ча вақт сарфлашига сабаб бўлиб, бир қатор муаммоларни юзага келтираёт-ган эди. Ушбу муаммоларнинг олдини олиш, судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш мақсадида 2001 йил 22 сентябрь куни Ўзбекистон Респуб-ликаси Вазирлар Маҳкамасининг қаро-ри асосида «Ўзбекистон Республика-си Адлия вазирлиги ҳузурида Суд қарорларини ижро этиш, судлар фао-лиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департамен-ти» ташкил этилди. Суд департамен-тининг ташкил этили-ши натижасида унга суд қарорларини ижро этиш, шунинг-дек, судлар фаолияти-ни моддий-техника билан ҳамда молиявий таъминлаш каби асо-сий вазифалар юкла-тилди.

Суд Департаменти ташкил этилиши на-тижасида унинг жой-лардаги ҳудудий бўлимлари ҳамда суд ижрочиларининг туман (шаҳар) бўли-малари юзага келди. Суд ижрочили-ни фаолияти белгилаб берилиб, факатгина судлар ва бошқа органлар-нинг қарорларини ижро этиш вазифа-си асосий вазифа сифатида бел-гиланди. Шунингдек, 2001 йил 29 ав-густ куни Ўзбекистон Республикаси-нинг «Суд ҳужжатлари, бошқа орган-лар ҳужжатларини ижро этиш тўғри-сида»-ги Қонун қабул қилиниб, унда суд ижрочиларининг фаолияти, ижро ҳужжатларини қабул қилишдан бош-лаб, унинг яқуний натижасига қадар амалга оширилиши лозим бўлган процессуал ҳаракатлар доираси, суд ижроси мақоми белгилаб берилди. Суд департаменти ташкил этилгандан сўнг қисқа фурсат ичида унинг фао-лиятини яхшилаш юзасидан юқори-даги Қонунга бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритилиши билан бир-галикда, бир қанча қонуности ҳуж-жатлари ҳам қабул қилинди. Ушбу қонуности ҳужжатлари, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Рес-публикаси Адлия вазирлиги ҳузури-

Хуқуқий демократик давлат сари СУД ДЕПАРТАМЕНТИ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАР

лиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Қарорлари, Ўзбекистон Республика-си Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмининг тубдан такомил-лаштириш чора-тадбирлари тўғриси-да»-ги қарори, 2009 йил 15 июлдаги «Давлат даромадига ўтказилмаган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғриси-да»-ги қарор билан тасдиқланган Низомларининг қабул қилиниши на-тижасида ижро ҳужжатларининг маж-бурий ижросини ўз вақтида ва си-фатли ижро қилиш механизми тако-миллаштирилиб, бу ўз навбатида вақ-тининг тежалишига ҳамда фуқаролар-нинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш-да ўз самарасини бермоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, суд департамен-тининг таркибий тузилмасида ҳам бир қатор ўзгаришлар амалга оши-рилиб, туман (шаҳар)ларда бўлима-лар бўлимлирга, Қорақалпоғистон

Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимлари ҳудудий бошқармаларга ўзгаририлди. Шунинг-дек, Суд департаменти тизими-да бир қатор янги бўлим, сектор ва лавозимлар вузудга келди.

Шу билан бирга олиб борилаётган ислохотлар натижасида Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»-ги Қонунга «Қарздор жисмоний шахснинг Ўзе-бекистон Республикасидан чиқишини вақтинча чеклаш» тўғрисидаги нор-манинг киритилиши ижро ҳужжатла-рининг ижросини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этди. Ижро ҳуж-жатларини ижро этишда Суд депар-таменти томонидан прокуратура, ички ишлар, миллий хавфсизлик хизмати, солиқ, божхона, банк ва бошқа бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, қўшма кўрсатмалар қабул қилинди.

Жумладан, бошқа ҳуқуқий тузилма-лар қатори Олмасор туман суд ижро-чилари бўлими томонидан ҳам ўтган 2013 йилда суд қаро-ри билан қарздор жисмоний шахслар-дан коммунал тўлов-лари, давлат божла-ри, маъмурий жари-малар, суд томонидан жазо тарикасида бел-гиланган жарималар, жиноятлар натижаси-да етказилган зарар-лар, Вазирлар Маҳка-масининг қарори иж-роси юзасидан дав-лат даромадига ўтқа-зилган мол-мулкни сотиш, қарздор юридик шахслардан солиқ қарзлари-ни ундирishi бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Чунончи, 2013 йил давомида 235 та қарздорга нисбатан 188 301 315 сўм суд ижросини томо-нидан жарима қўлланилиб, тўлиқ ун-дирилган.

Суд департаменти тизимида қисқа вақт ичида бундай ислохот-ларнинг амалга оширилиши, бу ав-валамбор судлар ва бошқа орган-лар томонидан чиқарилаётган ҳуж-жатларнинг ўз вақтида ва сифатли ижросини таъминлаш, фуқаролар-нинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятимизда кучли демок-ратик давлат барпо этиш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантириш, фуқароларнинг қонунларимизга риоя қилишларини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган.

Нодир ХУДОЙНАЗАРОВ,
Суд департаментининг Олмасор туман бўлими бошлиғи, катта суд ижросчиси, 3-даражали юрист

ЁШЛАРНИ ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ЙЎЛИДА

Президентимизнинг 2014 йил

3 мартда қабул қилинган қарорига мувофиқ Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртида ташкил этилган Ҳомийлик кенгашининг дастлабки кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда вазирлик ва идоралар, Тошкент Олий умумқў-шин қўмондонлик билим юрти, Ўзбекистон Республи-каси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кен-гаши, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, жур-налистлар иштирок этди.

Замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожлан-ган, юксак маҳорат ва маънавий-ахлоқий хислатларга эга ҳарбий кадрлар тайёрлаш самарадорлигини оши-риш Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондонли Ислам Каримов томони-дан Ватан ҳимоячилари олдида қўйилган муҳим вазифа-лардан биридир. Бу жараёнда сўнгги йилларда ҳарбий-ватанпарварлик соҳасида амалга оширилаётган исло-хотларда бевосита иштирок этаётган кенг жамоатчилик ҳам алоҳида ўрин тутмоқда.

2012 йилнинг октябры ойида Ўзбекистон Респуб-ликаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кен-гашининг ташкил этилиши мамлакатимизда фуқаро-лик жамияти институтларининг жамоатчилик назора-тини кучайтириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида ҳаётга татбиқ этилаёт-ган ишларнинг ёрқин ифодасидир. Мазкур кенгаш Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фаоли-тида очик-ошкораликни таъминлаш, ҳарбий хизмат нуфузини ошириш, ҳарбий хизматни ўтаётган ва ар-мия сафига қаҳирилаётган ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фаол иштирок этаётди. Мухта-сар айтганда, ўз сафидида давлат ва жамоат ташкилот-лари вакиллари, ижодкорлар, маданият ва санъат на-мояндалари, олимларни бирлаштирган Жамоатчилик кенгаши халқ ва армия ўртасида муҳим боғловчилик вазифасини ўтамоқда.

Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти Ҳомийлик кенгашининг ташкил этилгани эса бу бора-даги навбатдаги қадам бўлди. Унинг таркибига Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт иш-лари вазирлиги, Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси, «Ка-молот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Мудофаага қўмкла-шувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, «Ўзбекино» миллий агентлиги ва бошқа кўплаб давлат ва жамоат ташкилотларининг масъул ходимлари киритилган.

Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти Ҳомийлик кенгашининг асосий вазифалари олий ҳарбий таълим муассасаларини ривожлантиришга қўмклашиш, бўлажақ офицерлар – курсантларда ва-танпарварлик, Ватанга садоқат туйғусини кучайтириш, ҳарбий кадрларни тарбиялаш ва ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга доир тақлиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш, курсантлар ва уларнинг оила аъзолар-ини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда давлат ҳамда жамоат ташкилотлари саъй-ҳаракатларини бирлаш-тиришдир.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузу-ридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзаалиев Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти Ҳомийлик кенгашининг раи-си этиб сайланди.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ЯНГИ ИНТЕРФАОЛ ХИЗМАТЛАР

Ўзбекистон автомобиль ва дарё

транспорти агентлигида

тадбиркорлар учун қўлай шароит

яратиш ва интерфаол хизматлар

кўрсатишни кенгайтириш

масалаларига бағишланган матбуот

анжумани бўлиб ўтди.

Бугун ҳар қандай фаолият соҳасини ривожлантириш янги технологияларни жорий этиш билан боғлиқ. Ўзе-бекистонда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оши-рилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 июндаги Ўзбекистон Республикаси миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғри-сидаги Қарори билан тасдиқланган 2013-2020 йилларда телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва инфра-тузилмасини ривожлантириш дастурининг қабул қилини-ши бу борада янги босқични бошлаб берди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агент-лиги ҳам ўз фаолиятига замонавий ахборот-коммуни-кация технологияларини фаол жорий этмоқда. Барча технологик янгилıklar автомобилда хизмат кўрсату-вчилар ва йўловчилар учун қўшимча қўлайликлар яра-тишга қаратилган. Масалан, 2011 йилда агентлиқнинг autotrans.uz веб-сайти орқали унинг маълумотлар ба-засидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди. 2012 йилдан эса мазкур хизмат SMS-хабар орқали ҳам кўрсатишмоқда.


Тадбиркорларга қўшимча қўлайликлар тақдим этиш мақсадида 2012 йилдан лицензия олиш учун ариза ва бошқа ҳужжатлар агентлик веб-сайти орқали қабул қилинмоқда. 2013 йилнинг 1 июлидан бошлаб, Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг жорий эти-лиши тўғрисидаги агентлиқнинг аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлиги сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Матбуот анжуманида агентлик вакиллари жорий йил-дан агентлик сайтида интерфаол хизматлар учун ягона саҳифа ишга туширилганини маълум қилди. Тадбир-корлар мазкур саҳифада автотранспорт воситасига ли-цензия олиш учун давлат бош ҳажмини ўзлари ҳисоб-лаш, хизмат кўрсатувчининг лицензияси бор ёки йўқлигини аниқлаш, фойдаланишни истаган хизмат-лар билан танишиш, электрон бланкалар ва ўзларни қизиқтирган бошқа ахборотни олиши мумкин. Бундан ташқари, агентлик сайтида ташкил этилган «шахсий ка-бинет» ёрдамида лицензия эгалари истаган пайтда ўзларига тааллуқли маълумотлардан фойдаланиш им-конига эга.

Тадбирда ушбу интерфаол хизматлардан фой-даланиш тартиби ва қоидалари, намойиш этилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

(ЎЗА)

ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗ БЎЛСИН!



Мирзо Улуғбек туманидаги буюк Соҳибқирон бобомиз — Амир Темурнинг муборақ номлари билан аталувчи маҳаллада энг қадимий, элимининг ардоқли байрами — Наврўзи оламга пухта ҳозирлик кўрилди.

СОҒИНГАН ҚАЛБЛАР ҚУВОНЧИ

— Президентимизнинг «2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорларида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда улуг айёмга тарадуд режаларини белгилаб олдик, — дейди Амир Темур маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Хўжаев. — Чиндан ҳам озод ва обод юртимизда байрамлар кўп. Бу байрамларнинг ичида ўзининг жозибаси, таровати, яратувчанлиги ва бунёдкорлиги билан алоҳида ажралиб турадигани — Наврўз айёмидир. Шу боисдан уни юртимиздаги барча миллат ва элатлар орзиқиб кутадилар. Маҳалламиз аҳолиси ҳам турли миллатлардан ташкил топганлиги сабабли ҳар йилги бу қутлуг байрамни соғиниб ва қувониб нишонлаймиз.

Чиндан ҳам шундай! Наврўз янги кун, янги ишларнинг, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш бўйича бажариладиган юмушларнинг бошланишидир. Буни куни кеча ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. — «Ободлик — кўнгилдан бошланади», деган пурмаъно ақидага риоя қилган ҳолда маҳаллада ўтказилган хайрия ҳашарида фуқароларимиз фаоллик кўрсатишди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зулфияхон Расулий. Маҳалламиздаги кўп қаватли, шу жумладан 4 та йигирма қаватли осмонўпар бинолар ўртасида яратилган боғларимиз ўзига хос чирой очди, шу ерга ўтқазилган арча, мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатларига ишлов берилди. Бир сўз билан

айтганда, маҳалла ҳудудига келадиган ҳар бир меҳмоннинг кўнгли ободлик ишларидан янада кўтариладиган, қалби қувончларга тўладиган бўлди.

— Наврўз меҳр-мурувват, инсонларга эзгу амаллар ва саховат кўрсатиш айёми эканлиги билан ҳам ажралиб туради, — дейди маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси Азизахон Усмонова. — Биз маҳаллада истиқомат қилаётган кишиларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, бемор, яқка-ёлғизлар ҳолидан хабар олиш, уларга ҳам моддий, ҳам маънавий мадад кўрсатиш юмушларини ҳам адо этмокдамиз. Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар ҳам диққат-эътиборимизда. Наврўз айёмини ўтказиш бўйича белгиланган тadbбирлар режасидан дошқозонда сумалаклар тайёрлаш, бир пиёла чой устида ширин дийдор даврасини ташкил этиш ҳам ўрин олган.

Ҳа, чиндан ҳам юртимизнинг ҳар бир гўшасида Наврўз нафасини сезмокдамиз. Бу айём эшик қозмоқда, одамларни яшашга, яшаришга, интилиш ва хайрли ишларга чорламоқда. Бахорини, Наврўзни соғинган қалблар садоси баралла жарангламоқда. Маҳалла фаолларидан Хусан Валижонов, Абдумалик Саидов, Борис Чумаченко, Тамара Соатова, Эркин Абдуллаев, Феруза Мирзаевалар билан суҳбатлашганимизда Истиқлол шарофати билан тикланган қадриятларимизнинг нақадар улуг эканлигини улар жўровозлик билан алоҳида таъкидлашди, Соғлом бола йилдаги Наврўзи оламнинг ўзгача шуқуҳини қувонч ила тилга олишди...

Хондамир СОЛИХОВ

НАВРЎЗ ИНСОНЛАРНИ ЯҚИНЛАШТИРАДИ

Наврўз айёми арафасида мамлакатимиздаги барча миллий маданият марказларида байрам тантаналарига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

Юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат вакиллари Наврўз байрами ҳар йили кенг нишонлайди. Ушбу умумхалқ айёмига тайёргарлик ишлари бу йил Президентимиз Ислам Каримовнинг 24 февралда қабул қилинган «2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ амалга оширилмоқда.

Турли маданий тadbбирлар, халқ сайилларида барча миллат ва элат вакиллари иштирок этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил-иноқ яшамоқда. Уларнинг ўзига хос маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ва ривожлантириш учун барча шароит яратилган. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган Республика Байналмилал маданият маркази 140 дан зиёд миллий маданият марказлари фаолиятини мувофиқлаштириб, уларни қўллаб-қувватламоқда, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, жамиятимизда дўстлик ва тотувликини мустаҳкамлашга кўмаклашмоқда.

Мамлакатимиздаги Корейс маданияти марказлари уюшмаси раиси Виктор Пакнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда кўп миллатли ва маданиятли жамият шаклланиб, унда барча

миллат ва элат вакиллари иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маънавий ривожланиши учун тенг имкониятлар яратилган.

Корейс миллатининг ўзига хос маданияти ва анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантириш учун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида корейс маданияти марказлари фаолият юритмоқда. Уларда корейс тили, маданиятини ўрганиш бўйича курслар ташкил қилинган, анъанавий рақс ва ашулачилик, миллий жанг санъатларидан сабоқ берилаётди.

Мамлакатимиздаги корейс маданияти марказлари Наврўз байрамига бағишланган тантаналарда фаол иштирок этиб келмоқда. Рақс дасталари ва мусиқа ансамбллари маданий тadbбирлар, халқ сайилларида корейс тилида қўшиқлар ижро этмоқда. Бундай бадий жамоаларнинг маданият саройлари ва маҳаллаларда ўз санъатини намойиш этиши анъанага айланган. Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Катта Қорасув маҳалласида шундай тadbбир бўлиб ўтади.

Абдулла Қаҳҳор номидаги маданият саройида ҳам концерт дастури намойиш этилади. Унда Учтепа туманидаги корейс маданияти марказининг бадий жамоалари иштирок этади.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири

Мамлакатимизда тижорат банклари доимий равишда кичик бизнес субъектлари, аниққса оилавий тadbбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, таълим муассасалари битирувчи ёшларнинг бизнес режаларини молиялаштириш масалаларига катта эътибор қаратиб келмоқда.

ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ташкил этилган «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида оилавий тadbбиркорликни ривожлантириш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ушбу фаолиятга кенг жалб этиш ҳамда тadbбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашда банк тизимининг ўрни мавзусидаги матбуот анжуманида ҳам шу ҳақда сўз юритилди.

Тadbбирда тижорат банклари масъуллари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, тadbбиркорлар, касб-хунар коллежлари битирувчилари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тadbбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгарадиган бозор талабларига жавоб берадиган замонавий тузилмаларини шакллантиришда, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли даромадла-

ри ўсишида, мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга оширишда халқ қилувчи ўрин ва таъсирга эга. Анжуманда жорий йилда ҳам кичик бизнес субъектларини, аниққса, оилавий тadbбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларининг битирувчиларини тadbбиркорликка жалб этиш банк тизими сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолиши таъкидланди. Бинобарин, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун бу йил барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 7,5 триллион сўм миқдорда кредит маблағлари йўналтирилади.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар негизда ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларни иш билан таъминлаш ва тadbбиркорликка жалб этиш борасида

изчил ишлар мужассам, — дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг масъул ходими Отабек Азимов. — Хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ўз тadbбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари учун 160 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратиш белгиланди. Бундан ташқари банк тизими манфаатдор жамоат ташкилотлари билан биргаликда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларини касбга йўналтириш, тadbбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва ёшларни бизнес билан шуғулланишга рағбатлантириш учун мамлакат қўламида «Менинг бизнес ғоям» ва «Ёш тadbбиркор — юртта мададкор» лойиҳаларининг амалга оширилишида бош-қош бўлади.

Тadbбир давомида соҳа вакиллари томонидан мамлакатимизда аёлларнинг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашга 700 миллиард сўм миқдорда маблағ ажратиш белгилангани ҳақида айтиб ўтилди. Таъкидлаш жоизки, 50 фоиздан ортиқ аёллар меҳнатидан фойдаланувчи кичик бизнес ва тadbбиркорлик субъектларига имтиёзли кредит ажратиш кўзда тутилмоқда. Бу ҳамда тadbбиркор аёллар ўртасида «2014 йилнинг энг яхши лойиҳаси» танловининг ўтказилиши ўз навбатида, аёлларнинг ўз ишини очиб ва оиласи даромадини ошириш, меҳнат қobiliятини тўлақонли намоён этишига шароит яратади.

Матбуот анжуманида соҳа вакиллари томонидан республика бўйича амалга оширилган ишлар ва келгусидаги режалар ҳақида маълумотлар берилди. Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Зиёда РАСУЛОВА

ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКНИНГ АСОСИ ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик ҳаётимиздаги фаровонлик ва барқарорликнинг муҳим омилidir. Зеро, тинчлик ва осойишталикнинг асоси ҳамжиҳатликдир. Халқимиз Наврўз байрамини нишонлашга ҳозирлик кўраётган шу кунларда бу жиҳатлар янада яққолроқ намоён бўлаётди.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Тошкент шаҳрида ҳам байрамга тайёргарлик борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

— Байрам арафасида пойтахтимизнинг ҳар бир тумани, маҳалласида ҳушёрлик ва огоҳликка чорловчи тadbбирлар ташкил этилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари вазифасини бажарувчи, майор Ўктам Раҳматов. — Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, соғлом ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашга кўмаклашиш, ёшларни турли салбий таъсирлардан асраш мавзусидаги учрашувлар ишлар жумласидандир. Бу каби профилактика ишлари мунтазам ўтказилаётгани туфайли одамларимизда ўз уйини, маҳалласини асраш туйғуси янада мустаҳкамланаётди.

Хавфсизликни таъминлашга қаратилган кенг қўламли «Тозалаш» тadbбири уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Тadbбир давомида аниқланаётган ҳуқуқбузарликлар ўз вақтида бартараф этилаётди.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактика инспекторларининг алоҳида ўрни бор. Пойтахтимиздаги 473 милиция таянч пунктида хизмат қилаётган профилактика инспекторларининг жиноят содир этишга олиб келадиган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари натижасида жорий йилнинг ўтган даврида қўллаб маҳаллаларда жиноят содир этилишига йўл қўйилмади. Милиция таянч пунктлари атрофида турли тўғарақлар ташкил этилиб, кичик бизнес шохобчалари ҳамда спорт майдончалари барпо этилгани ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга ёрдам бериб, иш самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатаётди.

Жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фавқулодда вазиятларнинг юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида доимий равишда рейдлар ўтказилмоқда. Жумладан, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича аҳоли пунктлари, иқтисодиёт тarmoқлари ва ижтимоий соҳа объектларида бу борадаги қоидаларга риоя этиш юзасидан тушунтириш ишлари олиб бориш билан бирга, тегишли идоралар билан ҳамкорликда 16 миңдан зиёд хонадон — ташкилот ва корхонада текширишлар ўтказилди. Натижада ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузаётган мансабдор шахслар ва фуқароларга тегишли равишда жазималар қўлланилмоқда.

Байрам кунлари йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис йўлларнинг ҳолатини яхшилаш, йўл белгиларини ёрқинроқ акс эттириш, светофор ва йўл чизикларини янгилаш юзасидан муайян ишлар бажарилди. Тизимга замонавий ахборот технологиялари кенг жорий этилаётгани кўчаларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, қоидабузарликларни автоматик тарзда аниқлаш, қайд этиш ва профилактика ишларини тақомиллаштиришга хизмат қилаётди. Асосан чорраҳаларга ҳаракатни назорат қилувчи замонавий техника воситалари — детектор, видеокамера, фоторадар, фиксаторлар ўрнатилгани туфайли йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишига эришилмоқда.

Юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш нафақат ички ишлар идоралари ходимларининг, балки ҳар бир фуқароннинг бурчи. Бу ҳар биримиздан доимо огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этади. Шундай экан, Наврўз байрамининг кўнгилдагидек ўтиши учун барча бирдек масъулдир. Зеро, огоҳ ва ҳушёр бўлган киши ўз уйи, маҳалласи ва Ватанини асраган бўлади.

Норгул АБДУРАЙИМОВА,
ЎЗА мухбири

Анжуманлар ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАР ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тошкент Ислам университетида Uzinfocom компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги «ZiyoNET» бўлими ҳамкорлигида «Таълим тизимида интерактив хизматлари ташкил этиш истиқболлари» мавзусидаги давра суҳбати ўтказилди.

Унда университетнинг профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.

— Тadbбирдан қўзланган мақсад талабаларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари борасидаги билимларини янада бойитишдан иборатдир, — дейди Тошкент Ислам университети «Информатика ва ахборот технологияси» кафедраси мудири Н.Турсунов. — Зеро, бугунги кунда бошқа соҳалар қатори таълим тизимида интерактив хизматларнинг ўрни ва роли тобора ошиб бормоқда.

Қизиқarli мулоҳазаларга бой тарзда ўтган давра суҳбатида Uzinfocom компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази ходимлари таълим тизимида интерактив хизматлари ташкил этишнинг келажак истиқболлари ҳақида атрафлича фикр юритишди.

Давра суҳбати давомида талабалар интерактив хизматларини ташкил этиш ва «ZiyoNET»нинг имкониятлари тўғрисида ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА



Елкин Шамсиддинов (ЎзА) олган суратлар

Танловлар

ОҚИЛА ВА ЗУККО
ҚИЗЛАР

Яқинда Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг журналистика факультетидида «Балли, қизлар» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Танловда иштирокчи қизлар пазандалик маҳоратлари, ижодкорлик қобилиятлари ҳамда турли соҳалар бўйича билимларини синовдан ўтказдилар.

Қизиқарли ва мазмунли ўтган тадбирда оқила ва зукко қизлар барча шартларга имкон доирасида тўлиқ жавоб беришга ҳаракат қилдилар.

Биринчи ўринга 102-гуруҳ талабаси Дилафрўз Ибрагимова, иккинчи ўринга 104-гуруҳдан Азиза Исмолова ва учинчи ўринга 101 ва 103-гуруҳлар қизлари Нилуфар Аҳмедова ва Фарангиз Неъматовалар сазовор бўлишди.

Тадбир сўнггида голибларга эсдалик совғалари топширилди.

— Баҳор фаслида бундай тадбирларнинг ўтказилиши барчамизга ўзгача хуш кайфият улашди, — дейди танлов голибаси Дилафрўз Ибрагимова. — Ўқув муассасамиз томонидан уюштирилаётган бундай танловлар биз ёшларни янада изланишга, интилишга ва келажақда нафақат ўз соҳамизда, балки оилада ҳам фариштали, сариштали бека бўлиб етишишимизда муҳим аҳамият касб этади.

Шоҳсанам БОТИРОВА,
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

Кейинги йилларда «Ўзбекино» Миллий агентлиги томонидан тасвирга олинаётган фильмларга агентлик қошидаги Бадий кенгаш ва Эксперт баҳолаш комиссияси томонидан қаттиқ талаб қўйилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

ОИЛА — МУҚАДДАС ГЎША

Бадий кенгаш ва Эксперт баҳолаш комиссияси сценарийлар бўйича фильмнинг суратга олиниши тавсия этилишидан олдин унинг сифатли тайёрланишига ҳам алоҳида аҳамият қаратмоқда. Чунки фильмнинг яхши чиқиши аввало пухта сценарийга боғлиқ.

Сўнгги пайтларда катта экранга чиқаётган фильмларнинг савияси, бадий-ғоявий жиҳатдан пухта бўлиши устиди иш олиб боришмоқда.

Алишер Навоий номидаги киносаройида «Ўзбекино» Миллий агентлиги буюртмаси асосида «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Хонадон эгаси» бадий фильмнинг оммавий ахборот воситалари ходимлари учун премьераси олди намойиши ва унинг ижодкорлари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида ҳам шу ҳақда алоҳида сўз борди.

Ёзувчи Эркин Аъзам сценарийси асосида яратилган ушбу фильмда халқимизда оила муқаддас гўша, маънавийтимиз маскани эканлиги, унда миллий қадриятларимиз мужассамлиги, аҳиллик, ҳамжихатлик, хонадондаги маънавий муҳитнинг барқарорлигини таъминлаши, миллий урф-одатларимизнинг бир бўлагини ташкил этиши ҳақида ҳикоя қилинади.

Фильм бош қаҳрамони Зухриддин ота табаррук ёшдалиги ва ногиронлигига қарамай, ўзи кўмакка муҳтож бўлса-да фарзандлари учун тиниб-тинчимайди. Шундай бўлсада хонадоннинг

осойишта эмаслиги уни ҳамиша безовта қиладди. Турмушга чиққан қизи Латофат уйи йўқлиги сабабли бир ўғли билан отасиникида яшайди. Яхшигина даромад топаётган ўртанча ўғли Наримоннинг қайсарлиги оиладаги маънавий муҳитнинг дарз кетишига олиб келади...

Ўзбекна аъналаримизни жамлаган ушбу фильм ҳар қандай шароитда ҳам оиланинг муқаддас маскан эканлигини ҳаётий воқеалар орқали томошабинга етказиб бера олган.

Шу билан бирга фильм томошабинни, ёшларни оила бошлиғи бўлган ота-оналарни эъзозлаб, қадрлашга ундайди. Хар бир актёр ўзининг образини шу қадар маҳорат билан ижро этганки, фильм жарёнида ўша оиланинг бир аъзосига айланиб қолгандай сезасиз ўзингизни.

Фильм режиссёри Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев, постановкачи оператор Султонмурод Мирзаахмедов.

Фильмда Ўзбекистон халқ артистлари Ёқуб Аҳмедов, Хайрулла Саъдиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Маҳмуд Исмоилов, Фатхулло Маъсудов, Лола Элтоева, Раъно Шодиевалар роль ижро этганлар.

Матбуот анжумани доирасида журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоб олдилар.

Гулнигор САТТОРОВА

Биринчи тур баҳсларини пойтахтимиз жамоалари ғалаба билан бошлашди.

«Пахтакор» марказий стадионида амалдаги чемпион ва Ўзбекистон Кубоги соҳиби «Бунёдкор» Зарафшоннинг «Қизилқум» жамоаси билан куч синашди. Айтиш жоизки, биринчи бўлимда меҳмонлар тошкентликларга қарши муносиб ўйин кўрсатишди. Аввалига Бердиев меҳмонлар дарвозасини аниқ нишонга олиб, «Бунёдкор»ни ҳисобда олдинга олиб чиққан бўлса, кейин Бойматов ҳам жамоадoshiлари бошлаган ҳужумни самарали яқунлаб Бугало дарвоза-

Спорт янгилликлари

ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАШДИ

Футбол бўйича мамлакат XXIII миллий чемпионати старт олди.

сига гол киритди ва орадаги муво-занатни тиклади — 1:1.

Иккинчи бўлимда эса «Бунёдкор» устунликка эришди. Тошкентликлар рақиб дарвозасига кўп марта хавфли ҳужумлар уюштиришди. Натижада Во-хид Шодиев меҳмонлар дарвозасига

яна гол киритди. Ўйин охиригача ушбу 2:1 ҳисобидаги натижа ўзгармай қолди.

Дастлабки турда пойтахтимизнинг бошқа жамоалари «Локомотив» ва «Пахтакор» сафарида ўйнаган бўлишсада муҳим ғалабаларни қўлга киритишди.

ВЕЛОПОЙГА БАҲСЛАРИ
ЯКУНЛАНДИ

Пойтахтимизда велоспойга бўйича уюштирилган республика турнири якунига етди.

Мусобақаларнинг турли йўналишларида тошкентлик ҳамда бошқа вилоятлардан келган спортчилар ўртасидаги баҳслар юртимизда ушбу спорт турига қизиқаётган маҳоратли ёшларнинг кўпайиб бораётганлигини яна бир қарра исботлади.

Турнирнинг эркаклар ўртасидаги сўнгги 90 километрик айлана бўйлаб уюштирилган баҳслар якунида маррага Руслан Фёдоров биринчи бўлиб етиб келди. Фахрли 2, 3-ўринлар эса Темур Гулиров ва Владимир Тўйчиевларга насиб этди.

Мусобаканинг яқиний натижалари бўйича Темур Гулиров шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллаган бўлса, ундан кейинги ўринлар Владимир Тўйчиев ва Руслан Фёдоровга насиб этди.

ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ — ҒОЛИБ

Пойтахтимизда муайтай бўйича мамлакат биринчилиги ўтказилди.

Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятлардан келган иқтидорли спортчилар турли вазн тоифаларида беллашишди.

Яқунда Тошкент шаҳри жамоаси шоҳсупанинг энг юқори поғонасини забт этган бўлса, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари жамоалари спортчилари фахрли 2, 3-ўринни эгаллашди.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Кейинги йилларда юртимизда спортнинг барча тури қатори оғир атлетика ҳам ёшлар орасида жадаллик билан ривожланмоқда.

ТАИЛАНДАН МЕДАЛЛАР
БИЛАН

Буни оғир атлетикачиларимизнинг халқаро миқёсдаги турнирларда қўлга киритаётган муваффақиятлари ҳам яққол исботлайди.

Яқинда Таиландда ёшлар ўртасида оғир атлетика бўйича Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Унда қитъамизнинг ушбу спорт тури анча ривожланиётган давлатлари спортчилари иш-тирок этишди. Кувонар-

лиси, ушбу нуфузли турнирда юртимиз ша-рафини ҳимоя қилган Ўзбекистон ёшлар тер-ма жамоаси аъзолари якунда 4 та кумуш ва 6 та бронза медалларини қўлга киритишди. Ик-кикураш яқунларига кўра оғир атлетикачи-ларимиздан Шерзод Маъруфжонов (3 та), Файзулло Набиев (1 та) кумуш медаллари эга-си бўлишди.

Ўқув муассасаларида
ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Тошкент Ирригация ва мелиорация институтида маданият ва маърифат ўчоғи ҳисобланган Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигига бағишланган ижодий учрашув бўлиб ўтди.

Унда бир гуруҳ актёр ва актрисалар, Тошкент Мо-лия, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институт-лари, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари ва Тошкент Ахборот технологиялари университетларининг про-фессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этди.

— Театр азалдан тарбия маскани бўлиб келган, — дейди актриса Гавҳар Зокирова. — Ёш авлодни мил-лий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга мухаб-бат ва садоқат руҳида камол топтириш, ёш истеъ-додларни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбир давомида қатнашчилар ўзларини қизиқ-тирган барча саволларга жавоб олишди.

Оқила БАҲРОМОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Тиббиёт

ЯНГИ МАРКАЗ ИШ
БОШЛАДИ

Тошкент Тиббиёт академияси қошида Стоматология ва терапия илмий ўқув маркази иш бошлади.

Ушбу марказ замонавий тиббий жиҳозлар, ус-қуналар ҳамда компьютер технологиялари билан жиҳозланган. Кувонарлиси шундаки, марказда тиш-ни даволашнинг энг сўнгги замонавий усулларини қўллаш учун барча қулайликлар мавжуд.

Бундан ташқари, маънавият ва маърифат ҳамда лингафон хоналари, телевизор, DVD, бадий ва ил-мий адабиётларга эга кутубхона ҳам Тиббиёт акаде-мияси талабалари хизматида.

Марказни ташкил этишдан асосий мақсад, тиш касалликларини даволашнинг энг сўнгги, самара-ли усулларини ёшларнинг пухта ўрганишларига имкон яратишдан иборат.

(Ўз мухбиримиз)

Мутахассис маслаҳати

ҚОИДАЛАРГА РИОЯ
ҚИЛИНИШИ МАҚСАДГА
МУВОФИҚ

Ўзбекистонда ҳозир мавжуд эмас, бироқ кириб келиш хавфи бўлган, узумчиликка катта зарар келтирувчи ўта хавфли тоқнинг карантини зарарқунданаси — филлоксера (*Viteus vitifoliae Fitch*)дан жуда эҳтиёт бўлиш лозимлигини эслатиб ўтамыз.

Ватани Шимолий Америка ҳисобланган бу ҳаша-ротнинг ер ости ва ер усти шакллари мавжуд бўлиб, тоқнинг барча навлари илдизи, баргларига игна сан-чиб, ўсимлик ширасини сўриб озиқланади, натижа-да тоқ ўсишдан тўхтади, бу эса тоқзорларнинг қури-шига олиб келади. Ёш тоқ кўчатлари филлоксера би-лан зарарланганда, ҳосилга кирмасдан нобуд бўла-ди. Танаси овалсимон, сарғиш-яшил рангда бўлган, кўз илғаш қийин филлоксеранинг урғочиси тоқнинг пўстлоқ қаватига тухум қўяди. Баҳорда совуққа чи-дамли тухумдан чиққан филлоксеранинг личинкала-ри, ёш барг новдаларини хартуми билан сўриб озиқ-ланади, баргнинг орқа томонида шишлар ҳосил қи-лади. Атрофга тупроқ, шамол, сув, деҳқончилик иш қуроллари, тоқ кўчати, қаламчалари орқали тарқала-ди. Чет давлатларидан республикамиз ҳудудига фил-локсера билан зарарланган худудлардан тоқ кўчати, пайванд учун қаламчаларни «Ўсимликлар карантини» қоидаларига риоя қилган ҳолда олиб келинишининг мақсадга мувофиқ бўлишини унутмаслигимиз лозим.

Ғафилдин АХМЕДОВ,
Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини
Давлат инспекцияси чегара пункти нозир

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент шаҳар Ер ресурси ва давлат кадастри бошқармаси томонидан жисмоний шахс Ёгамбер-диева Нозима Сиражиддиновна номига Ёриблан О'У серияси, тартиб рақами 145259 бўлган кадастр гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Тошкент шаҳрида 19 март кунини ҳаво ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида ёмғир ёғади. Ғарб-дан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 6-8 да-

ража илиқ, кундузи — 18-20 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 19 мартда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли мод-даларнинг сақланиб қолиши-га имконият яратди, таъ-миқдори паст бўлади.

Тошкент оқшоми

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кучаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рухсатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига еки
«Тошкент почтати» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 356

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
14170 нускада босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Нашр учун масъул
Д. Исроиллов

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Ақмал АҚРОМОВ

Тошпириш вақти: 13.00 Босишга тошпирилди: 14.10